## Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 1776-ҳадис

1776/5048 – عَنْ أَبِي مُوسَى رَضِيَ الله عَنْهُ، أَنَّ النَّبِيَّ صلى الله عليه وسلم قَالَ لَهُ: يَا أَبَا مُوسَى، لَقَدْ أُوتِيتَ مِزْمَارًا مِنْ مَزَامِيرِ آلِ دَاوُدَ.

1776.5048. Абу Мусо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам менга: «Эй Абу Мусо! Ҳақиқатан ҳам сенга Оли Довуднинг «най»ларидан бири берилган-да!» дедилар».

Изоҳ: Арабларда «най» («мизмаарун») сўзи аслида ҳаммага маълум пуфлаб чалинадиган мусиқа асбобини билдиради. Кўчма маънода эса бу сўз чиройли, ёқимли овозга нисбатан ҳам ишлатилади. Бу ерда шу кўчма маъно назарда тутилган.

---

Манба: hadis.islom.uz

HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI